

## ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБДА УШЛАШ ЧОҒИДА ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ ҲАРАКАТЛАРИ.

**Абдусайдов Абдулазиз Абдуалим ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

3-ўқув курси 304-гуруҳ курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20675413>

**Аннотация:** Ушбу мақолада жиноят содир этган шахсни процессуал тартибда ушлаш чоғида тезкор қидирув ходимларининг ҳуқуқий ва ташкилий ҳаракатлари ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси, Тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ушлаш институтининг ҳуқуқий табиати, унинг асослари ва амалга ошириш тартиби таҳлил қилинган. Ходимларнинг амалий ҳаракатлари кетма-кетлиги, инсон ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш масалалари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ушлаш, тезкор қидирув фаолияти, жиноят-процессуал кодекси, ҳуқуқий асослар, шахс эркинлиги, жиноят содир этган шахс, процессуал тартиб, ички ишлар органлари.

### 1. КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида жиноятчиликка қарши самарали курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада жиноят содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг жиноий фаолиятига чек қўйиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши курашиш жараёнида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, айниқса унинг эркинлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳуқуқий давлатнинг асосий талабларидан бири саналади.

Жиноят содир этган шахсни ушлаш инсоннинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлиги билан бевосита боғлиқ бўлган энг муҳим процессуал мажбурлов чораларидан бири бўлиб, мазкур ҳаракатни амалга оширишда қонунийлик, асослилик ва инсонпарварлик тамойилларига қатъий риоя қилиниши талаб этилади. Чунки ушлаш натижасида шахснинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи маълум муддатга чекланади ва бу ҳолат давлат органлари зиммасига юқори даражадаги ҳуқуқий масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида: «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас. Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт.», деб мустаҳкамланган. Ушбу конституциявий қоида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб, тезкор қидирув ходимлари ҳамда бошқа ваколатли мансабдор шахслар фаолияти учун аниқ ҳуқуқий чегара ва мажбуриятларни белгилаб беради.

Шунингдек, ушлаб туриш ваколатли давлат органлари томонидан жиноят содир этган деб гумон қилинаётган шахснинг эркинлигини қонунчиликда белгиланган тартибда вақтинча чеклашга қаратилган процессуал мажбурлов чораси ҳисобланади. Мазкур институт жиноятларни ўз вақтида фош этиш, гумон қилинувчининг яшириниб қолиши ёки жиноий фаолиятини давом эттиришининг олдини олиш, шунингдек иш бўйича далилларни сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят-процессуал кодекснинг 221-моддасида, жиноятни содир этишда гумон қилинган шахс қуйидаги асослар мавжуд бўлганда ушлаб турилиши мумкинлиги қайд этилган.

**биринчидан**, шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушган тақдирда;

**иккинчидан**, жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатган тақдирда;

**учинчидан**, шахсда ёки унинг кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

**тўртинчидан**, шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Шунингдек, Ички ишлар органлари тўғрисидаги Қонуннинг 17-моддасида ички ишлар органлари ходимларига жиноят содир этган деб шубҳа қилинаётган шахсларни ушлаш ваколати берилган. Бунда ходимлар ушлашнинг асоси, мақсади ва тартибини тушунтиришга мажбур эканлиги белгиланган.



Ушлаш чоғидаги ташкилий ҳаракатларни уч босқичга бўлиш мумкин: тайёргарлик, бевосита ушлаш ва ушлашдан кейинги ҳаракатлар.

Тайёргарлик босқичида ходим ушлашни амалга оширишдан олдин қуйидагиларни бажариши шарт:

Биринчи навбатда, ЖПКнинг 221-моддаси талабларига мувофиқ ушлаб туришнинг қонуний асосларини аниқлаш ва тасдиқлаш зарур. Бунда тезкор маълумотлар, материаллари ва бошқа далилларни таҳлил қилиш лозим.

Иккинчидан, гуруҳ таркиби ва тақсимотини белгилаш талаб этилади. Ушлаш гуруҳига, одатда, гуруҳ бошлиғи (тезкор ходим), кўмакчи ходимлар ва зарур ҳолларда криминалистик мутахассис кириши тавсия этилади.

Учинчидан, алоқа воситаларини текшириш, ускунаваларни ва ҳимоя воситаларини тайёрлаш, жиноят содир этган жойни тузилишини ўрганиш ҳам тайёргарлик босқичига кириши лозим.

ЖПКнинг 224-моддасига мувофиқ, Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита аниқласа ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа:

1) ўзини таништириши ва ушлаб турилган шахснинг талабига кўра ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши;

2) гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини маълум қилиши;

3) ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши;

4) ушлаб турилган шахсга у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши;

5) ушлаб турилган шахсдан яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт.

Ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушланаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув ёки олиб қўйишни амалга оширишга ҳақлидир. Шахсий тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан

сўнг холислар ҳозирлигида тузилиши мумкин. Шахсни ушлаб, шахсий тинтув ва олиб қуйиш жараёнлари бевосида видеоёзув орқали қайд этилиши шарт. Мазкур процессуал ҳаракатларни бажаришни кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, уларни видеоёзув орқали қайд этмасдан амалга оширишга йўл қўйилади.

Шахсни ушлаш видеоёзув орқали қайд этилмаган ҳолда, ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахс яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келинганидан сўнг видеоёзувдан фойдаланган ҳолда унинг процессуал ҳуқуқларини тушунтириши шарт. Ушлаб турилган шахсга видеоёзув уни намойиш қилиш орқали таништирилади.

Қонун талабига кўра, шахсни яланғочлаш билан боғлиқ шахсий тинтувни видеоёзув орқали қайд этиш тақиқланади.

ЖПКнинг 225-моддасига биноан, тезкор ходим томонидан ушлаб туриш ҳақидаги баённома белгиланган тартибда тузилади.

Ушлаш чоғида тезкор қидирув ходимлари Конституция ва тегишли қонуниларнинг билан кафолатланган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилишлари мажбурий. Бунда қуйидаги асосий кафолатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

Биринчи кафолат — юридик ёрдам олиш ҳуқуқи. ЖПК талабига кўра, ушланган шахс ушлаш пайтидан бошлаб ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ходим ушланган шахсга адвокат чақириш имконини таъминлаши шарт.

Иккинчи кафолат — хабар бериш ҳуқуқи. Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахс жиноят-процессуал қонунчилик талабига кўра, яқин қариндошларига ушланганлиги бўйича хабар берилиши лозим. Бу ҳуқуқнинг амалга оширилишини ушлашни амалга оширган тезкор ходим томонидан таъминлаши шарт.

Учинчи кафолат — тил ҳуқуқи. Конституция ва Жиноят-процессуал қонунчилик талабига кўра, ушланган шахс тушунган тилда ўз ҳуқуқлари ҳақида маълумот олиш ҳуқуқига эга. Зарур ҳолларда таржимон таъминланиши шарт. Таржимон келгунига қадар гумон қилинувчида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар олиш таъқиқланади.

Дуал таълим даврида тезкор қидирув ходимларининг ушлаш чоғидаги амалиёти билан танишилиб, таҳлил қилинганида бир қатор муаммолар борлигига гувоҳи бўлдик.



Биринчи муаммо — процессуал ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш масаласи. Тезкор вазиятда ходимлар баъзан ушлаш баённомасини тузишни кечиктиришади, бу эса ЖПКнинг 225-моддаси талабларини бузишга олиб келади. Бундай ҳолларда ушланган шахснинг ҳуқуқлари бузилиш хавфи юзага келади.

Иккинчи муаммо — ушлаш асосларини нотўғри баҳолаш. Айрим ходимлар тезкор маълумотлар асосида ушлаш учун зарурий ҳуқуқий асосларни тўлиқ аниқламасдан ҳаракат қиладилар, натижада нотўғри ушлаш ҳолатлари учрайди.

Учинчи муаммо — тил монелиги. Кўп миллатли аҳоли яшайдиган ҳудудларда ҳуқуқларини тушунтириш жараёнида тил муаммоси юзага чиқади ва бу ушланган шахснинг ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

### ХУЛОСА

Жиноят содир этган шахсни процессуал тартибда ушлаш — тезкор-қидирув ходимларидан юқори даражадаги ҳуқуқий билим ва кўникмаларни, тезкор вазиятни тўғри баҳолай олиш ҳамда қисқа вақт ичида қонуний ва асосланган қарор қабул қилиш қобилиятини талаб этадиган ўта масъулиятли жараёндир. Мазкур жараёнда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги ҳамда процессуал кафолатларга қатъий риоя этиш асосий мезон ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушлаш институтининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкам белгилаб берган бўлиб, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг қонунийлиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бироқ мазкур нормаларнинг амалиётда тўлиқ ва самарали қўлланилиши ходимларнинг касбий маҳорати, ҳуқуқий маданияти, процессуал интизоми ва хизмат масъулияти даражасига бевосита боғлиқдир.

Ушлаш жараёнида амалга ошириладиган ҳар бир ҳаракат — шахсни қонуний асосларда тўхтатиш, ўзини таништириш, ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш, шахсий тинтув ўтказиш, ашёвий далилларни расмийлаштириш ҳамда тегишли процессуал ҳужжатларни расмий тартибда тузиш каби босқичлар — қонун талабларига тўлиқ мувофиқ равишда бажарилиши шарт. Чунки ушбу ҳаракатларнинг ҳар бири шахснинг конституциявий ҳуқуқлари таъминланиши, далилларнинг



мақбуллиги сақланиши ва жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, тезкор-қидирув ходимларининг касбий тайёргарлигини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, замонавий ахборот технологиялари ҳамда илғор миллий ва хорижий тажрибаларни амалиётга кенг жорий этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, қонунийлик, адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳар бир процессуал ушлаш ҳаракати мамлакатда ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, жиноятчиликка қарши самарали курашиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент: Ўзбекистон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
3. "Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
4. "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.

